Адл ила олам юзин обод қил!

Куч – адолатда

2026 йил
11 сентябр,
жума
№ 36
(1122)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.kuch-adolatda.sud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

ЭЛЕКТРОТЕХНИКА САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ВАЗИФАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 10 сентябрь куни электротехника саноатини янги босқичга олиб чиқиш ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш юзасидан тақдимот билан танишди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда электротехника тармоғини ривожлантириш, қўшилган қиймати юқори маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва экспортни кенгайтириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди. Натижада соҳада ишлаб чиқариш ҳажми 2018 йилдаги 4,7 триллион сўмдан 43,1 триллион сўмга етди, экспорт 1 миллиард доллардан ошди. Бугунги кунда Ўзбекистон электротехника маҳсулотлари 65 та давлатга етказиб берилмоқда.

Тармоқда маҳсулотлар таркиби ҳам ўзгармоқда. Мисдан тайёрланаётган маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилиши ва экспорти ортди, паст қийматли маҳсулотларнинг улуши эса сезиларли камайди. Маиший техника бўйича ички талабнинг 80 фоизи маҳаллий маҳсулотлар ҳисобидан қопланмоқда, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг 30 фоизи экспорт қилинмоқда. Қуёш панеллари, юқори кучланишли кабеллар, электромобилларни қувватлаш станциялари, вакуум ўчиргичлар, юқори кучланишли ажратгичлар, иссиқлик насослари каби юзлаб янги турдаги маҳсулотлар ўзлаштирилди.

Жорий йилнинг етти ойида тармоқда 30 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, 706 миллион долларлик экспорт таъминланди. 148 миллион долларлик 16 та лойиҳа ишга туширилиб, 1,2 мингта иш ўрни яратилди. Йил якунигача 51 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш, экспортни 1,6 миллиард долларга етказиш, 420 миллион долларлик 67 та лойиҳани ишга тушириш вазифаси белгиланган.

Тақдимотда 2030 йилгача электротехника ва унга ёндош саноатда ишлаб чиқариш ҳажмини 11 миллиард долларга, экспортни 5 миллиард долларга етказиш, 3 миллиард доллар инвестиция жалб қилиш, мисга қўшилган қийматни 35 фоизга олиб чиқиш режалари кўриб чиқилди.

Бунинг учун юртимизда зарур хомашё базаси ва бозор мавжуд. Йилига 150 минг тоннадан ортиқ мис катоди ишлаб чиқарилмоқда, янги қувватлар ҳисобига мазкур кўрсаткич 300 минг тоннага етказилади. Шунингдек, 15 гигаватт қуёш ва шамол электр станцияларини ишга тушириш режалаштирилган бўлиб, бу электротехника маҳсулотлари учун йилига 500 миллион долларлик буюртма бозорини шакллантиради.

Шу билан бирга, соҳада ҳал этилиши зарур масалалар ҳам бор. Айрим корхоналарда айланма маблағ учун кредит олишда гаров таъминоти етишмаяпти, мис хомашёсини биржа орқали харид қилишда қулай молиявий инструментлар талаб этилмоқда, йирик халқаро брендларни жалб этиш учун кафолатланган механизмларни кенгайтириш зарур. Аҳоли уй-жойлари қурилиши ортиб бораётгани ҳам электротехника маҳсулотларига талабни оширмоқда.

Шу муносабат билан тармоқ корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича янги механизмлар таклиф этилди. Жумладан, мис хомашёсини харид қилишда тўловнинг 25 фоизини корхоналар, қолган 75 фоизини "Ўзсаноатэкспорт" АЖ амалга оширади. Корхоналар ушбу маблағни 90 кун ичида йиллик 6 фоизгача ставкада қайтаради. Бу мақсадлар учун 50 миллион доллар ресурс йўналтирилади.

Эндиликда кредитлар бўйича экспорт шартномалари, суғурта полислари каби бошқа таъминот турларини ҳам қабул қилиш имконияти яратилади. Инвестиция лойиҳаларига миллий ва хорижий валютада ажратилган кредитларнинг бир қисми уч йил давомида қоплаб берилади.

Камида 50 миллион доллар сармоя киритадиган йирик халқаро бренд компанияларига солиқ имтиёзлари тақдим қилиниб, инфратузилмага эга тайёр бинолар таклиф этилди. Электротехника саноати корхоналари учун солиқ ва божхона имтиёзлари муддатини 2030 йилгача узайтириш, ёндош маҳаллий саноат корхоналарини ҳам қўллаб-қувватлаш назарда тутилмоқда.

Экспортни кенгайтириш мақсадида хорижий бозорларда савдо омборлари ташкил этиш, маҳсулотларни сертификатлаш ва ташқи бозорларга чиқариш жараёнларини енгиллаштириш чоралари кўрилади. Шунингдек, Афғонистон, Мўғулистон, Қозоғистон ва Ироқ бозорларига комплекс технологик ечимлар экспортини кенгайтириш имкониятлари кўриб чиқилди.

Тармоқда инновация ва илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш учун Тўртинчи саноат инқилоби илмий-тадқиқот ва инновация марказини ташкил этиш таклиф қилинди. Марказ янги маҳсулотларни рақамли моделлаштириш, синовдан ўтказиш, маҳаллийлаштириш, прототиплар тайёрлаш ва корхоналарга инжиниринг хизматлари кўрсатиш билан шуғулланади.

Президентимиз мутасаддиларга электротехника саноатида қўшилган қийматни ошириш, юқори технологик маҳсулот ва материаллар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, маҳаллий корхоналарни глобал қиймат занжирларига олиб кириш бўйича топшириқлар берди.

ЎзА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2026 йилнинг 10 сентябрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади.

Унда Сенат, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, маҳаллий Кенгашларнинг депутатлари, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлис Сенатнинг YouTube тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилди.

Ўн тўққизинчи ялпи мажлиснинг биринчи иш кунини сенаторлар "Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш киритиш ҳақида"ги қонунни муҳокама қилишдан бошлади.

Кейинги йилларда мамлакатимизда ўзбек тилини ривожлантириш, унинг давлат тили сифатидаги мақомини мустаҳкамлаш борасида тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбек тилининг халқаро майдондаги нуфузи ортиб бораётгани қайд этилди.

Қонун билан "Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси 26 та ҳарф ва 3 та ҳарфлар бирикмаси ўрнига 28 та ҳарф ва 1 та тутуқ белгисидан ташкил топишини назарда тутувчи тегишли ўзгартиришлар киритилмоқда.

Шунингдек, янги таҳрирдаги алифбога ўтиш жараёнида фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини инобатга олиш мақсадида қонун кучга киргунига қадар амалдаги алифбо асосида расмийлаштирилган ҳужжатлар, миллий валюта ва қимматли қоғозларнинг муомалада бўлишига тўсқинлик қилинмаслиги белгиланмоқда. Давлат органлари ва ташкилотларининг айрим рамзий белгилари, пешлавҳа ва кўрсаткичлардан эса улар яроқсиз ҳолатга келгунига қадар ёки белгиланган муддатгача фойдаланишга рухсат берилади.

Сенаторларнинг фикрича, мазкур қонуннинг қабул қилиниши лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси ва имло қоидаларини такомиллаштириш, давлат тилидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, ўзбек тилини рақамлаштириш жараёнларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Муҳокама якунида сенаторлар қонунни маъқуллади.

Сенатнинг 19-ялпи мажлисида "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14-моддасига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида"ги қонун кўриб чиқилди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда рақобатни ривожлантириш орқали истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Қонун билан "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига товардаги нуқсонларни унинг ташқи кўринишидан аниқлаш имкони бўлмаган ҳолларда товар сифатини қўшимча равишда текширишнинг ҳуқуқий асосларини аниқлаштирувчи ўзгартиришлар ва қўшимча киритилмоқда.

Шунингдек, текширишнинг тартиби ва муддати, истеъмолчининг ушбу жараёнда иштирок этишини ҳамда текширишни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларнинг ўрнини қоплаб бериш тартиби ҳам белгиланмоқда.

Товардаги нуқсонлар у истеъмолчига реализация қилинганидан кейин, товарни сақлашнинг ёки ундан фойдаланишнинг белгиланган қоидалари бузилганлиги сабабли ёхуд учинчи шахсларнинг ҳаракатлари туфайли юзага келганлигини товарнинг ташқи кўринишига қараб аниқлаш имкони бўлмаган тақдирда, товарнинг сифати қўшимча равишда текширилиши жорий этилмоқда.

(Давоми 3-бетда) ▶

Қонунчиликдаги янгиликлар

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига дахлдор масалалар, шу жумладан, суд ҳокимияти мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, саноат, радиация ва ядро хавфсизлигини таъминлаш соҳаларидаги қонунчиликни, шунингдек, давлат харидлари тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Парламент фаолияти



Саноат хавфсизлиги талаблари кучайтирилади

Мажлисда дастлаб саноат, радиация ва ядро хавфсизлигини таъминлаш соҳаларидаги қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда муддама-модда кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси билан амалдаги қонун ҳужжатларига саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги ҳамда атом энергиясидан фойдаланиш соҳаларида давлат назорати тизимини такомиллаштириш, ушбу соҳалардаги ҳуқуқий муносабатларни такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

(Давоми 2-бетда) ▶

Ҳалима Муҳитдинова таваллудининг 110 йиллигига

Исми – Ҳалима, тақдири – матонат тимсоли

Инсон умрининг қадри унинг қандай яшагани, кимларга яхшилик қилгани ва ўзидан қандай из қолдирганида намоён бўлади. Ўзини ва ўзлигини англашга интилган киши бир саволга жавоб излайди: умрнинг моҳияти нимада?



Умр – гоҳ равон, гоҳ ўнқир-чўнқир йўллардан ўтадиган сафар. Бу йўлда инсон ҳар қадамда ўз виждони билан юзлашади. Қийинчилик қаршисидаги саботи, ўзганинг дардига эътибори ва ҳақиқатни ҳимоя қилишдаги жасорати унинг кимлигини намоён этади.

Инсоннинг ҳақиқий бойлиги – пок виждони, ҳалол меҳнати, одамларга кўрсатган меҳри ва ҳақиқат йўлидаги жасоратидир. Ана шу маънавий бойлик умрга мазмун бағишлайди.

Эзгуликка бағишланган бир кун ҳам одамлар хотирасида йиллар давомида яшаши мумкин.

Бурчга садоқат ва зиммасидаги масъулиятни виждонан адо этиш инсонни улуғлайди. Адолат тарозисини тўғри тутиш масъулияти юкланган киши учун бу фазилатлар бутун ҳаётнинг бош мезонидир.

Зеро, ҳар бир суд қарори ортида инсон тақдири, унинг орзу-умидлари, шаъни ва қадр-қиммати туради. Одил қарор инсоннинг ҳақ-ҳуқуқини тиклаш билан бирга, одамларнинг адолатга бўлган ишончини ҳам мустаҳкамлайди.

Умрини ана шундай масъулиятли ва шарафли хизматга бағишлаган матонатли аёл – Ҳалима Қодировна Муҳитдинова ҳақида ҳикоя қиламиз.

У кишининг ҳаёт йўлида адолатга садоқат, метин ирода ва инсонга меҳр бир-бирини тўлдириб, ибратли бир тақдирни яратган.

Бу улкан тақдирнинг маънавий илдизларини теранроқ англаш учун қаҳрамонимиз туғилиб ўсган заминга, уни улғайтирган оила ва муҳитга назар ташлаш лозим. Зотан, инсон қалбидаги эзгуликнинг илк уруғлари она юрт тупроғида, ота-она меҳри ва тарбияси билан униб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси архивида сақланаётган Ҳалима Муҳитдиновани нинг шахсий йиғмажилдида 1953 йил 9 июлда рус тилида ўз қўли билан ёзган таржимаи ҳоли мавжуд.

Унда қаҳрамонимизнинг 1916 йил 1 январда Наманган вилояти Уйчи туманининг Бирлашкан қишлоғида туғилгани қайд этилган.

(Давоми 2-бетда) ▶



Шарҳ

Суд назорати

ҳимоя ҳуқуқини мустаҳкамлашнинг муҳим шарти

Аввало шуни айтиш керакки, жиноят процессида инсон ҳуқуқларига энг кучли таъсир кўрсатадиган босқичлардан бири — судга қадар иш юритиш босқичидир. Чунки айнан шу босқичда шахс ушланиши, унга нисбатан гумон билдирилиши, айблов эълон қилиниши, процессуал мажбурлов чоралари қўлланиши ёки унинг конституциявий ҳуқуқларига дахл қилувчи айрим ҳаракатлар амалга оширилиши мумкин.

Шу маънода, жиноят иши судга етиб борганидан сўнг адолатни таъминлаш қанчалик муҳим бўлса, иш судга қадар юритилаётган пайтда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳам шунчалик муҳимдир. Зеро, шахс эркинлигига дахл қиладиган ҳар қандай қарор қонунга, етарли асосларга ва холис назоратга таяниши керак.

Миллий қонунчилигимизда ҳозирга қадар ҳам жиноят процессининг судга қадар босқичида суд назоратига оид муайян ҳуқуқий механизмлар мавжуд эди. Хусусан, амалдаги жиноят-процессуал қонунчиликда тергов судьяси томонидан қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш, қамоқда сақлаш ёки уй қамоғи муддатини узайтириш, ушлаб туриш муддатини қирқ саккиз соатгача узайтириш, айбланувчини лавозимидан четлаштириш, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш, тинтув ўтказиш, почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш, телефон ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш ҳамда мол-мулкни хатлаш каби масалалар суд тартибида кўриб чиқилиши белгиланган.

(Давоми 2-бетда) ▶



Қизимга мактублар

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Анча енгил тортдим. Гап шундаки, А.Қодирийнинг «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» романларини мен ўқимаган бўлсам ҳам, мазмунлари билан таниш эдим. Дадам, ойим биз, болаларга айтиб беришган эди.

Араб алифбосида чоп этилган эски китоб яна ойимларнинг қўлларига тушиб қолибди. Ошхонани супураётиб, кўмир яшиклар орқасидан топиб олибдилар. Қизиқиб кетиб, яна ўқишга тушибдилар. Китобнинг ярми йўқ эди.

Ёшларини артар эканлар, мени огоҳлантирдилар.

(Давоми 4-бетда) ▶

Парламент фаолияти

Қонунчиликдаги янгиликлар

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Хусусан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги норма ва қоидаларни бузганлик учун жавобгарлик белгиланмоқда. Қолаверса, кейинги йиллардаги маъмурий ислоҳотлардан келиб чиқиб, бир қатор қонунларда ваколатли органларнинг ваколатлари, ҳуқуқий мақоми аниқлаштирилиб, ўзгартишлар киритилмоқда.

Шунингдек, қонун лойиҳасида превентив чораларни кучайтириш, хусусан, **“Атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш тўғрисида”**ги қонунда юридик шахсларга нисбатан молиявий санкциялар қўллашга оид қоидалар назарда тутилмоқда. Бу соҳадаги субъектлар масъулиятини ошириш ва қонунчилик талабларига риоя этилишини кучайтиришга хизмат қилади.

Муҳокамалар якунида қонун лойиҳаси қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

СУДЬЯЛАР МАҚОМИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР ЯГОНА ҚОНУН АСОСИДА ТАРТИБГА СОЛИНАДИ



Мажлисда **“Судьяларнинг мақоми тўғрисида”**ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ушбу ҳужжат судьяларнинг мақомини алоҳида қонун даражасида белгилаш ҳамда суд ҳокимияти мустақиллигини янада мустаҳкамлашга қаратилган.

Қонун лойиҳаси билан судьялик лавозимига номзодлар учун айрим талаблар қайта кўриб чиқилмоқда. Хусусан, судья ва халқ маслаҳатчилари учун ёш цензини 35 ёшдан 30 ёшга тушириш кўзда тутилган.

Судьяни дастлаб 5 йилга, кейин эса, муддатсиз даврга тайинлаш тартибини жорий этиш, судья, суд раиси ва раис ўринбосари лавозимларига қўйиладиган талабларни кучайтириш назарда тутилмоқда. Шунингдек, қонун лойиҳасида судьялар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш чоралари билан боғлиқ нормалар ҳам акс эттирилмоқда.

Қонун лойиҳаси билан “истеъфодаги судья” институти миллий қонунчиликка татбиқ этилмоқда. Истеъфодаги судьяга бошқа ҳуқуқлар қаторида профессионал медиаторлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи ҳам тақдим этилмоқда.

Бундан ташқари Олий суд ва қуйи судлар аппарати фаолиятини янада самарали ташкил этишга доир айрим нормалар киритилмоқда.

Муҳокамаларда депутатлар судьяларнинг мақомини алоҳида қонун даражасида белгилаш суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, судьяларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини кучайтиришда муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидладилар.

Мажлис якунида қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилиниб, иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида депутатлар томонидан билдирилган таклиф ва тавсиялар асосида маромига етказишга келишиб олинди.

ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИДА ШАФФОФЛИК ВА ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ КУЧАЙТИРИЛАДИ



Мажлисда давлат харидлари тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Ушбу ҳужжат билан давлат харидлари соҳасида ҳисобдорликни кучайтириш, харидлар тўғрисидаги маълумотларнинг очиқлигини таъминлаш ҳамда давлат буюртмачилари фаолияти устидан назорат механизмларини такомиллаштириш назарда тутилмоқда.

Хусусан, давлат харидларида сотилган товарлар ва кўрсатилган хизматлар тўғрисидаги маълумотларни ҳудудлар кесимида эълон қилиб бориш таклиф этилмоқда. Бу орқали давлат харидларининг ҳудудлар бўйича ҳолатини таҳлил қилиш, қайси турдаги товар ва хизматларга талаб юқори эканини кузатиб бориш ҳамда харид жараёнларининг очиқлигини ошириш имконияти яратилади.

Қонун лойиҳасида давлат харидлари устидан парламент назоратини кучайтириш мақсадида, Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар таркибига давлат буюртмачилари томонидан амалга оширилган давлат харидлари натижаларини ҳам киритиш назарда тутилмоқда.

Бунда тўғридан-тўғри шартномалар асосида амалга оширилган харидлар тўғрисидаги маълумотларни ҳам ҳисоботларда алоҳида акс эттириш белгиланмоқда. Бу депутатларга бюджет маблағларининг давлат харидлари орқали қандай сарфланаётганини тизимли таҳлил қилиш, харид усуллари ва натижаларини баҳолаш ҳамда зарур ҳолларда парламент назорати чораларини қўллаш имкониятини кенгайтиради.

Қонун лойиҳасида давлат харидлари жараёнида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, тадбиркорларнинг давлат харидлари жараёнида юзага келадиган шикоятларини жойларда тезкор кўриб чиқиш мақсадида, Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссиянинг доимий фаолият юритувчи ҳудудий комиссияларини ташкил этиш таклиф этилмоқда. Бу эса, шикоятларни жойларда тезроқ кўриб чиқиш, низоларни қисқа вақтда ҳал қилиш, тадбиркорларнинг вақт ва харажатларини тежашга хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

ПАРЛАМЕНТ АХБОРОТ МАРКАЗИ

Ҳалима Муҳитдинова таваллудининг 110 йиллигига

Исми – Ҳалима, тақдири – матонат тимсоли

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Шу ўринда Ҳалима опанинг ушбу таржимаи ҳоли оддий бир маълумот эмас, балки қаҳрамонимизнинг машаққатли болалиги, ўта оғир дамлардаги масъулияти, билимга интилиши ва юксак давлат лавозимларигача босиб ўтган шарафли йўлини ўз овози орқали ҳикоя қилувчи бебаҳо тарихий ҳужжат эканлигини ҳам алоҳида қайд этиш жоиз.

Ҳалима Муҳитдинованинг осон кечмаган шарафли ҳаёт йўли, самарали меҳнат фаолиятини холис ва ҳаққоний ёритиш, энг муҳими, у кишининг юксак инсоний фазилатлари, бошқаларга кўрсатган меҳру-муҳаббати, одамийлиги, ғамхўрлиги ва ниҳоятда баланд интеллектуал салоҳиятининг илдизларини излаб топиш ва теранроқ англаш мақсадида, Опа туғилиб ўсган юртга йўл олдик.

Наманган вилояти, Уйчи туманининг Ғайрат қишлоғига 2026 йил 22 июль куни эрта тонгда етиб бордик. Аҳоли тилида айни пайтда Наримонов участкаси деб юритиладиган бу қишлоқ илгари Бирлашкан қишлоғи деб аталган.

Опа туғилиб ўсган қишлоқда бўлганимизда, матонатли бу аёлни нафақат қавму-қариндошлари, балки қишлоқ аҳолисининг жуда кўпчилиги яқиндан билиши, у кишининг номини чексиз ҳурмат ва самимий ифтихор билан тилга олишининг гувоҳи бўлдик ва бундан ниҳоятда қувондик.

Ҳалима опа ҳақида сўз очилиши билан суҳбатдошларимизнинг кўзларида аллақандай чақин, юзларида илиқлик пайдо бўлар, гўзал хотиралари тилларига кўчгани сайин, мана шундай ҳурматли бир инсон билан бир қишлоқда туғилиб ўсганликлари улар учун қанчалик фахр эканини чуқур ҳис этиб борардик.

Зеро, инсоннинг асл тийнатини фақат эгаллаган лавозимлари, ижтимоий ҳаётда эришган ютуқлари ёки унга берилган китобий таърифлар белгилаб бера олмайди.

Унинг ким экани, аввало, ўзи туғилиб ўсган юрт, бирга улғайган инсонлар, меҳри ва ғамхўрлигини ҳис этган яқинлари берадиган баҳода намоён бўлади.

Шу маънода, ғайратлик юртдошларининг хотиралари Опанинг нафақат юксак салоҳиятли ҳуқуқшунос ва фидойи раҳбар, балки оқибатли қариндош, меҳрибон қишлоқдош ва камтар инсон бўлганини ёрқин очиб берди.

Ҳалима Муҳитдинова ҳаётининг салмоқли қисми пойтахт Тошкент шаҳрида ўтган. Камдан-кам инсонларга насиб этадиган турли масъулиятли лавозимлар:

Ўзбекистон Коммунистик Партияси Марказий қўмитаси котиби;

Ўзбекистон ССР Адлия вазири ўринбосари;

Ўзбекистон ССР Олий суди раиси ўринбосари;

Ўзбекистон ССР Олий суди раиси каби вазифаларда самарали фаолият юритган.

Бир сўз билан айтганда, серташвиш хизмат фаолияти ва катта шаҳар ҳаёти уни тақдир тақозоси билан туғилиб ўсган қишлоғидан анча олисга олиб кетган. Аммо бу олис масофа унинг оловқалби билан она қишлоғи ўртасидаги боғлиқликни заррача сусайтиролмайди.

Ҳалима опа учун Наримонов қишлоғи шунчаки бир туғилган манзил эмас, балки болалиги, илк орзулари, ота-она меҳри ва инсон сифатида шаклланишининг мустаҳкам илдизлари мужассам бўлган муқаддас маскан эди. Ҳалима опа умрининг охиригача қишлоғидан “қадами узилмагани” ҳам айнан шу садоқатнинг ёрқин ифодасидир.

Опа қанчалик юксак мансаб ва мартабаларга эришмасин, қандай масъулиятли лавозимларда ишламасин, ўзининг оддий қишлоқ фарзанди эканини ҳеч қачон унутмаган. Қавму қариндошлари билан алоқаларини сақлайди, қишлоқдошларига меҳр ва эътибор кўрсатади, туғилиб ўсган юртига бўлган муҳаббатини бир умр қалбида авайлаб келади.

Аслида, инсоннинг ҳақиқий юксаклиги фақат унинг қанчалик баланд лавозимларга кўтарилгани билан эмас, балки ўшандай мансабларда туриб ҳам, ўзининг тарихий илдизларига қандай муносабатда бўлгани билан ҳам ўлчанади. Ҳалима Муҳитдинованинг ҳаёт йўли шу ҳақиқатнинг ҳаётий тасдиғидир: у мансаб ва мавқени элу халқидан узоқлашиш учун эмас, инсонлар билан меҳр-оқибат ришталарини янада мустаҳкамлаш учун хизмат қилдирадиган имконият деб билган. Шунинг учун ҳам ғайратликлар уни бугунга қадар фақат машҳур қишлоқдоши сифатида эмас, балки ўзларидан ҳеч қачон узилмаган, меҳрини аямаган азиз инсон сифатида ёдга олишади.

Шу ўринда дунёга машҳур адиб Чингиз Айтматовнинг мазкур пурмаъно ҳикмати ёдга тушади: “дарҳақиқат, инсон туғилиб ўсган отаюртда тақдирга дастлаб пойдевор қўйилади. Муҳими – отаюртдан олган ва юқтирган нарсаларни қалб қўри билан илитиб, худди бол тўплаётган асалари мисоли юракка жойлаб олишинг керак.

Шубҳасиз, ҳар қандай инсоннинг дунёқараши бир кунда ёки бир йилда тўлиқ шаклланиб қолмайди: унинг қалбига муҳрланган қадриятлар, меҳнатга муносабати, бошқаларнинг дардига бефарқ бўлмаслик туйғуси, аввало, оила ва ўзи улғайган муҳит бағрида камол топади”.

Ҳалима опанинг умр йўли фақатгина ютуқ ва амалий натижалардан ёки эгалланган лавозимлардангина иборат эмас. Бу йўлда суронли даврнинг турли синовлари ҳам, тақдирнинг аччиқ имтиҳонлари ҳам, аёл қалбига оғирлик қиладиган ташвишлар ҳам бор эди. Аммо ҳаёт бу матонатли аёлни қанчалик синамасин, асло иродасини эга олмаган. Аксинча, ҳар бир машаққат Ҳалима Муҳитдинованинг бардошини мустаҳкамлайди, ҳар бир тўсиқ матонатини тоблаб боради, ҳар бир имтиҳон бу инсоннинг ҳақиқатга ва адолатга бўлган ишончини кучайтиради.

Инсон ҳаётида шундай бир ниҳоятда муҳим палла бўладики, унгача босиб ўтилган барча йўллар, енгиб ўтилган турли синовлар, орттирилган билим ва бой ҳаётий тажриба, гўёки, бир нуқтада бирлашади.

Ҳалима Муҳитдинова ҳаётида ҳам шундай бир ўта муҳим давр бор: Ҳалима опа болалигида кўп азоб-уқубатларни, айрилиқларни, ҳатто маълум бир муддат муҳтожликни ҳам бошидан ўтказган. Уруш йилларининг оғир синовларидан мардона яшаб ўтган.

Аммо буларнинг барчаси унинг ҳаётидаги энг масъулиятли давр – Ўзбекистон Олий суди раҳбариятидаги йигирма икки йиллик самарали фаолият учун катта ҳаёт мактаби вазифасини бажарган.

Бу масъулиятли йиллардан нақ ўн икки йили Олий суд раиси ўринбосари, кейинги ўн йили эса, Олий суд раиси сифатида кечган.

Шу ўринда бир ҳақиқатни алоҳида таъкидлаш лозим: Ҳалима Муҳитдинованинг Олий суддаги фаолияти ҳақида фикр юритишда “фидойи ишлади”, “катта ҳисса қўшди”, “юксак обрў қозонди” каби умумий, қуруқ гап-сўзларга таянишдан осони йўқ...

Лекин тарих умумий гапдан кўра далилни яхши кўради. Бахтимизга, бу далиллар керагидан ортиқчаси билан бор...

Ўзбекистон давлат архивида сақланаётган Ҳалима Муҳитдинованинг шахсий йиғма жилдида унинг Олий суддаги фаолиятига дахлдор юзлаб фармойишлар, буйруқлар, тавсифномалар, шахсий варақалар, таржимаи ҳоллар, хизмат сафарларига оид ҳужжатлар ва бошқа ноёб материаллар сақланиб қолган.

Сарғайган бу саҳифалар орадан ярим асрдан зиёд вақт ўтиб, бугун бир мўътабар инсон ҳақида сўзламоқда.

Давлат архивида сақланаётган энг муҳим тарихий ҳужжатлардан бири – 1960 йил 1 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 791-сон Фармонидир.

Унда шундай қарор қилинган: Олий Советнинг навбатдаги сессияси тасдиқлагунга қадар Ҳалима Кадировна Муҳитдиновага Ўзбекистон ССР Олий суди раиси ўринбосари вазифасини бажариш юклатилсин.

Мазкур Фармонга ўз даврининг машҳур раҳбар аёлларидан бири, таниқли давлат ва жамоат арбоби Ёдгора Насриддинова имзо чеккан.

Орадан ўн икки кун ўтиб, 1960 йил 13 декабрда Олий суд раиси вазифасини бажарувчи Ш.Усмановнинг 228-сон буйруғи чиққан. Ушбу ҳужжатга кўра, Ҳалима Муҳитдинова 1960 йил 6 декабрдан Ўзбекистон ССР Олий суди штатига раис ўринбосари лавозимида қабул қилинган.

Буйруқнинг ҳуқуқий асоси сифатида ҳам Олий Совет Президиумининг юқоридаги фармони кўрсатилган. Ташқаридан бир қарашда, бу икки ҳужжат Олий суд тизимида навбатдаги кадрлар тайинланишига оид расмий қоғоздек кўриниши мумкин.

Аслида эса, улар Ҳалима Муҳитдинова тақдирида янги ва улкан бир даврнинг бошланганини тасдиқловчи тарихий гувоҳномалар эди.

Шубҳасиз, Ҳалима Муҳитдинова Олий суд раиси ўринбосари лавозимига қандайдир бир тасодиф билан келмаган. Айни шу вақтга келиб, Ҳалима Муҳитдинова ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда, адлия тизимида (вазир ўринбосари), давлат ва партия идораларида катта тажриба орттирган эди.

Айниқса, у кишининг 1949-1952 йилларда Ўзбекистон ССР адлия вазирининг кадрлар масалалари бўйича ўринбосари вазифасида ишлагани ҳам алоҳида эътиборга молик.

Кейинчалик хотин-қизлар билан ишлаш, тарғибот-ташвиқот ва ташкилий соҳалардаги раҳбарлик вазифалари уни “одамларни таниш”, кадрлар билан ишлаш ва катта жамоалар олдида масъулият ҳис қилишга ўргатганлиги — бор гап.

1964 йил 14 майда Ҳалима опага берилган расмий тавсифнома бу фикримизнинг нечоғлик тўғри эканлигини исботлаб беради.

Энг аҳамиятлиси, ушбу тавсифномада унга қуйидагича баҳо берилган:

“Ўз ишини жуда яхши билади, юридик ва сиёсий жиҳатдан саводли, ишда принципиал...”

Бу ҳар қандай ходимга бериб келинадиган одатдаги мақтов сўзлари эмас эди. Уни Олий суд раиси, бошланғич партия ташкилоти раҳбарияти ва маҳаллий қўмита раиси имзолаган расмий тавсифнома тасдиқларди: “ишда принципиал”.

Айнан ана шу икки сўздан иборат таъриф Ҳалима опанинг кейинги бутун суд тизимидаги самарали фаолиятини тушуниш учун ўзига хос калит вазифасини бажаради. Ва шунинг баробарида бу аёлнинг энг муҳим ҳаётий тутумини ҳам кўрсатиб туради.

Арслон ЭШМУРОДОВ,
журналист

Шарҳ

Суд

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Давлатимиз раҳбари томонидан тасдиқланган **“Одил судлов – 2030”** стратегияси ушбу мавжуд механизмларни янада такомиллаштириш, суд назоратини фақат санкция бериш билан чекламасдан, шахсни ушлаб туришнинг қонунийлиги ва асослилигини, гумон қилиш ёки айблов эълон қилиш учун етарли асослар мавжудлигини ҳам текшириш даражасига олиб чиқиши билан ғоятда аҳамиятлидир. Яъни янги ёндашув суд назоратини сифат жиҳатидан юқори босқичга кўтармоқда.

«Одил судлов – 2030» стратегиясида жиноят процессининг судга қадар иш юритиш босқичида суд назоратини кучайтириш алоҳида йўналиш сифатида белгиланган ҳам айнан шу эҳтиёждан келиб чиқади. Стратегиянинг асосий мақсади — Янги Ўзбекистонда инсон қадрини улуғлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларни суд орқали ҳимоя қилишни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, суд процессига замонавий ҳуқуқий механизмларни жорий этишдан иборат.

Кўпчилик суд назорати деганда, фақат суд мажлисида ишни кўришни тушунади. Аслида эса, жиноят процессида суд назорати фақат ҳукм чиқариш билан чекланмайди. Суд назорати — инсон ҳуқуқларига дахл қиладиган процессуал қарорлар қонунга мувофиқ қабул қилинаётганини текшириш механизмидир.

Судга қадар босқичда тергов органлари иш учун муҳим далилларни тўплайди, гумон қилинувчи ёки айбланувчининг процессуал мақоми белгиланади, айрим ҳолларда шахс эркинлиги чекланади. Агар бу босқичда етарли назорат бўлмаса, кейин суд муҳокамасида хатоларни тузатиш қийинлашади. Чунки асоссиз ушлаш, етарли далилсиз гумон ёки шошма-шошарлик билан қўлланган мажбурлов чораси инсон тақдирига жиддий таъсир кўрсатиши аниқ.

Шунинг учун жиноят процессида ҳақиқатни аниқлаш билан бирга, шахснинг ҳуқуқлари бузилмаслигини таъминлаш ҳам асосий мақсад бўлиши керак. Бу вазифани амалга оширишда тергов судьяси институтининг роли тобора ортиб бормоқда.

“Асосли гумон” стандарти — шубҳа эмас, далилга таянган ёндашув саналади. Фармонда 2027 йил 1 июлдан бошлаб, “асосли гумон” — Prima Facie халқаро стандартига мувофиқ тергов судьясига янги ваколатлар бериш таклифи маъқулланган. Унга кўра, тергов судьяси процессуал мажбурлов чораларини қўллаш, яъни санкция бериш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқишда шахсни ушлаб туришнинг қонунийлиги ва асослилигини, гумон қилиш ёки айблов эълон қилиш учун асослар етарлилигини текшириши мумкин бўлади.

Бу ерда асосий эътибор “Гумон борми?” деган умумий саволга эмас, балки “Гумон етарли маълумот ва асослар билан тасдиқланганми?” деган ҳуқуқий мезонга қаратилади.

“Асосли гумон” дегани — шахсга нисбатан фақат тахмин, фараз ёки умумий маълумот асосида эмас, балки дастлабки далиллар ва иш ҳолатлари билан боғланган ҳолда процессуал чора кўрилиши лозимлигини англатади.

Бошқача айтганда, шахснинг эркинлигига дахл қилувчи қарор “эҳтимол шундай бўлгандир” деган қарашга эмас, балки судьяни ишонтириши мумкин бўлган дастлабки ҳуқуқий асосларга таяниши керак.

Фармонда белгиланган янги ёндашув тергов судьясининг ролини янада кучайтиради. У процессуал мажбурлов чоралари бўйича илтимосномаларни кўриб чиқар экан, фақат ҳужжат келтирилганини қайд этиб қўймасдан, балки шахсни ушлаб туриш қонуний бўлганми, ушлаш учун асослар етарлими, гумон қилиш ёки айблов эълон қилиш учун далиллар борми, деган саволларга эътибор қаратади.

Шубҳа туғилган тақдирда, тергов сирини таъминлаган ҳолда қўшимча ҳужжатлар талаб қилади. Бу судьяга қарор қабул қилишдан аввал иш материалларини янада чуқурроқ текшириш имконини беради.

Мазкур механизм, бир томондан, терговнинг самарали юритилишига халақит бермаслиги; иккинчи томондан, инсон ҳуқуқларини асоссиз чеклашнинг олдини олиши лозим. Яъни суд назорати қонунга хилоф қарорларнинг олдини олишга қаратилган ҳуқуқий мувозанат воситасидир.

Жиноят процессида процессуал мажбурлов чоралари зарур бўлиши мумкин. Аммо улар ҳар доим қонуний, асосли ва мутаносиб бўлиши шарт. Шахсни ушлаб туриш ёки унга нисбатан бошқа мажбурлов чорасини қўллашда давлат органи фақат жиноятни очиш манфаатини эмас, инсон ҳуқуқларини ҳам ҳисобга олиши керак.

Фармондаги суд назоратини кучайтиришга оид қоидалар амалга киритилишининг зарурияти шундаки, тергов судьяси шахс эркинлигига дахл қиладиган илтимосномани кўриб чиқар экан, унинг ортида инсон тақдири турганини албатта, инобатга олиши лозим бўлади. Бу ўзгаришлар амалиётда учта муҳим кафолатни кучайтиради.

Биринчидан, шахс асоссиз ушлаб турилишининг олдини олишга хизмат қилади.

Иккинчидан, гумон ёки айблов етарли асосларга таяниши талабини кучайтиради.

Учинчидан, тергов органларининг процессуал қарорлари устидан холис суд назоратини мустаҳкамлайди.

Фармонда амалдаги **“Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”**ги қонун талабларидан келиб чиқиб, шахснинг конституциявий ҳуқуқларини бевосита чеклаш билан боғлиқ тадбирларни ўтказишга санкция судлар томонидан берилишини белгилаш назарда тутилган. Ушбу норма ҳуқуқий давлат учун жуда муҳим.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Истеъмолчига шахсан ёки ўз вакили орқали товарнинг сифатини қўшимча равишда текширишда иштирок этиш, шунингдек, товарнинг сифатини ўз маблағлари ҳисобидан қўшимча равишда текширишни амалга ошириш ваколатлари берилмоқда.

Сенаторларнинг фикрича, қонун истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишга ҳамда бозор иштирокчилари учун янада барқарор ва ишончли ҳуқуқий муҳит яратишга хизмат қилади.

Муҳокама якунида сенаторлар қонунни маъқуллади.

Ялпи мажлисда “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларига Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини қўриқлаш ҳамда ҳимоя қилишни янада кучайтиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун муҳокама қилинди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда давлат чегараларини муҳандислик жиҳатидан мустаҳкамлаш, чегара қўшинларининг моддий-техник базасини кучайтириш ҳамда миллий хавфсизликни таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, трансмиллий жиноятчиликнинг янги кўринишлари, хусусан, давлат чегараси орқали ерости тоннелларини қуриш ва улардан ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари мавжуд қонунчиликни янада такомиллаштириш заруратини юзага келтиргани қайд этилди.

Муҳокама борасида 2016-2025 йиллар давомида давлат чегарасида 12 та ноқонуний ерости тоннели аниқлангани, улар орқали катта миқдордаги товар-моддий бойликлар, валюта қимматликлари ва бошқа товарларни мамлакатга яширин олиб киришга уринишлар кузатилгани таъкидланди. Бу каби ҳолатлар давлат чегараси дахлсизлиги, иқтисодий хавфсизлик ва миллий манфаатларга жиддий таҳдид солиши қайд этилди.

Қонун билан Жиноят кодексида давлат чегараси орқали еростида ноқонуний тоннеллар ва бошқа инфратузилма объектларини қуриш, улардан фойдаланиш, бундай фаолиятни ташкил этиш ёки молиялаштириш учун алоҳида жиноий жавобгарлик белгиланмоқда. Шунингдек, ана шундай ноқонуний иншоотлардан фойдаланган ҳолда давлат чегарасини кесиб ўтганлик ёки контрабанда жиноятлари содир этганлик учун жавобгарлик чоралари кучайтирилмоқда.

Бундан ташқари, қонунда инсонпарварлик тамойили ҳам ўз ифодасини топган. Хусусан, биринчи марта ушбу турдаги қилмишни содир этган шахс ўз ихтиёри билан давлат органларига ноқонуний тоннель ҳақида хабар берса ёки жиноятни фош этишга фаол кўмаклашса ҳамда унинг ҳаракатларида бошқа жиноят таркиби бўлмаса, жиноий жавобгарликдан озод қилиниши мумкинлиги назарда тутилмоқда.

Шунингдек, Жиноят-процессуал кодексига киритилаётган ўзгартишлар га мувофиқ давлат чегараси орқали ерости да ноқонуний тоннеллар қуриш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ жиноятлар бўйича дастлабки тергов ҳаракатларини Давлат хавфсизлик хизмати органлари терговчилари амалга ошириши белгиланмоқда. Бу мазкур турдаги жиноятларни тезкор аниқлаш ва самарали тергов қилиш имкониятларини янада кенгайтиради.

Муҳокама давомида сенаторлар мазкур қонун давлат чегараси дахлсизлигини мустаҳкамлаш, трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш, миллий ва иқтисодий хавфсизликни таъминлаш ҳамда мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни янада мустаҳкамлашда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилишини таъкидладилар.

Сенаторлар қонунни маъқуллади.

Бундан ташқари, Сенатнинг ялпи мажлисида “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун кўриб чиқилди.

Мамлакатимизда қонунийлик, тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, жамоат хавфсизлигини мустаҳкамлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда Миллий гвардиянинг бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва Қуролли Кучлар билан ҳамкорлиги тобора кенгайиб бормоқда.

2017 йилда ташкил этилган Миллий гвардиянинг ҳуқуқий мақоми 2020 йилда алоҳида қонун билан мустаҳкамланди. Кейинги йилларда эса унинг фаолиятига оид 20 дан ортиқ қонун ҳамда 70 дан ортиқ фармон ва қарор қабул қилиниб, янги вазифа ва ваколатлар белгиланди.

Шу билан бирга, амалиётда тўпланган тажриба Миллий гвардиянинг вазифа ва ваколатларини замонавий талаблар асосида қайта кўриб чиқиш, такрорланувчи нормаларни бартараф этиш ва ҳуқуқий бўшлиқларни тўлдириш заруратини юзага келтирди.

Ушбу қонун ана шу мақсадларга қаратилган.

Қонун билан, аввало, Миллий гвардия органларининг асосий вазифалари қайта тизимлаштирилмоқда. Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлаш, қўриқлаш фаолияти билан боғлиқ вазифалар бирлаштирилиб, оммавий тартибсизликларга чек қўйиш бўйича янги вазифа белгиланмоқда.

Шунингдек, давлат объектлари, ўта муҳим ва тоифаланган объектлар, бошқа объектлар ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкини қўриқлаш билан боғлиқ вазифалар амалдаги қонунчиликда белгиланган ваколатлардан келиб чиқиб оптималлаштирилмоқда.

Қонуннинг муҳим жиҳатларидан яна бири Миллий гвардия ҳарбий хизматчиларининг фуқаролар билан мулоқот қилиш тартиби аниқ белгилаб берилаётганидир.

Эндиликда ҳарбий хизматчи фуқарога мурожаат қилганда ўз лавозими, ҳарбий унвони, фамилияси, исми ва отасининг исмини айтиши, мурожаат қилишининг сабаби ва мақсадини тушунтириши, фуқаронинг талабига кўра хизмат гувоҳномасини кўрсатиши шартлиги белгиланмоқда.

Яна бир муҳим янгилик – жамоат хавфсизлигини таъминлашда замонавий махсус воситалардан фойдаланиш бўйича Миллий гвардиянинг ҳуқуқлари қонунчиликда аниқлаштирилмоқда.

Сенаторлар таъкидлаганидек, ушбу ўзгартишлар Миллий гвардиянинг вазифа ва ваколатларини аниқлаштириш, уларни амалдаги функцияларга мослаштириш, фуқаролар билан муносабатларда очиқлик ва қонунийликни таъминлашга хизмат қилади.

Сенаторлар қонунни маъқуллади.

Шунингдек, Олий Мажлис Сенатининг 19-ялпи мажлисида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун муҳокама қилинди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштириш, судларда иш ҳажмини ва ортиқча бюрократияни камайтириш, одил судловга эришиш даражасини ошириш ҳамда нотариат институтига замонавий рақамли технологияларни кенг жорий этиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Қонун билан Фуқаролик процессуал ва Иқтисодий процессуал кодексларига, “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги ҳамда “Давлат божи тўғрисида”ги қонунларга низосиз талаблар бўйича суд буйруғини чиқариш доирасини қисқартиришни, нотариат фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этишни ва нотариал ҳаракатлар учун ундириладиган тўловларни мақбуллаштиришни назарда тутувчи қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда.

Шунингдек, Иқтисодий процессуал кодексига ўзгартиришлар киритилиб, қонуний кучга кирган суд ҳужжати устидан шикоят қилинганда унинг ижросини юқори инстанция судида тўхтатиб туриш механизми такомиллаштирилмоқда.

Янги нормаларга кўра қонунда белгиланган мезонларга мос, БҲМнинг миллий гвардиянинг бараварига бўлган низосиз талаблар бўйича нотариусга мурожаат қилиш имконияти кенгаймоқда. Бу орқали бундай талабларни суд тартибида мурожаат қилмасдан, нотариус орқали расмийлаштириш ва ижрога қаратиш механизми соддалаштирилади.

Шунингдек, нотариуслар томонидан расмийлаштириладиган QR-кодли ижро хатларини электрон шаклда ижро органларига тўғридан-тўғри юбориш имконияти яратилмоқда.

Бу ҳужжатларни қоғоз шаклида тақдим этиш билан боғлиқ ортиқча жараёнларни қисқартиришга хизмат қилади.

Бундан ташқари, апелляция, кассация ва тафтиш инстанцияларида суд ҳужжатлари ижросини тўхтатиб туриш асослари аниқлаштирилмоқда.

Бунда ижрони тўхтатиб туришни сўраган шахс бундай чора кўрилмаса, қайтарма ижрони қийинлаштириши ёки уни бажариб бўлмайдиган қилиб қўйиши мумкинлигини асослаши лозим бўлади.

Сенаторлар мазкур ўзгартишлар судлар иш юкламасини камайтириш, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг вақти ва харажатларини тежаш, низосиз талабларни тезкор расмийлаштириш ҳамда ижро самарадорлигини оширишга хизмат қилишини таъкидлади.

Сенаторлар қонунни маъқуллади.

Сенатнинг ўн тўққизинчи ялпи мажлисида “Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги конвенцияга киритилган ўзгартиришлар билан боғлиқ баённомаларни (Монреаль, 2016 йил 6 октябрь) ратификация қилиш ҳақида”ги қонун ҳам муҳокама қилинди.

Мазкур баённомалар Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг бошқарув ва эксперт органларида аъзо давлатлар вакиллигини кенгайтириш, қарор қабул қилиш жараёнида минтақавий манфаатларни янада мувозанатли ҳисобга олиш ҳамда ташкилотнинг институционал ва экспертлик салоҳиятини оширишга қаратилган.

Сенаторлар фикрича, конвенцияга киритилган ўзгартиришлар Ўзбекистоннинг Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти доирасидаги халқаро мажбуриятларини бажариш, ташкилотда амалга оширилаётган институционал ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш имконини беради.

Қонун Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг бошқарув органларига Ўзбекистон вакилларини илгари суриш, минтақавий манфаатларни ифодалаш ва мамлакатимизнинг халқаро авиация соҳасидаги иштирокини кенгайтиришга хизмат қилади.

Муҳокама якунида сенаторлар қонунни маъқуллади.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлисининг биринчи иш куни якунланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати

Сўнгги йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мамлакатимизда тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, уларнинг эмин-эркин фаолият юритишларини рағбатлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бунда соҳани ривожлантиришдаги ортиқча бюрократик тўсиқ ва эскирган тартиб-таомилларни бартараф этиш, шунингдек, давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолияти устидан суд назорати самарадорлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қонун кўмаги

Тадбиркорнинг йўли ойдин

ёхуд суд тадбиркорни ноқонуний кредит фоизидан халос этди

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Келинг, ушбу фикрларимизнинг исботи учун бир иқтисодий иш тафсилотларига тўхталамиз. Гап шундаки, бундан 3 йил муқаддам – 2023 йил 20 февралда акциядорлик тижорат “Микрокредитбанк” ва “Garant Sement” хусусий корхонаси ўртасида 18 ой муддатга йиллик 25 фоиз устама тўлаш шарти билан кредит шартномаси тузилган.

Мазкур шартномага асосан, банк томонидан тадбиркорга 3 миллиард 800 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилган. Кредит таъминоти сифатида Нукус шаҳридаги “KKRASI Beton” масъулияти чекланган жамиятига қарашли бино-иншоотлар гаровга қўйилган. Аммо “Микрокредитбанк” ҳали бир йилга ҳам етмай, асосий кредит қарзи ва фоизларини ундириш юзасидан Урганч туманлараро иқтисодий судига даъво ариза киритади.

Суднинг 2024 йил 1 мартдаги ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилиб, “Garant Sement” хусусий корхонаси ва “Urganch Shohruh Savdo” хусусий корхонасидан банк фойдасига солидар тартибда 2 миллиард 753 миллион сўм асосий қарз ва 169 миллион 504 минг сўм кредит фоизини ундириш белгиланади. Ундирув эса, гаровдаги мулкларга қаратилади.

Шундан сўнг Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг Нукус шаҳар бўлими томонидан гаровдаги мулклар аукцион савдога чиқарилган. Лекин мулклар белгиланган муддатда сотилмаган.

Бинобарин, давлат ижрочиси гаровдаги мулкларни 10 фоиз арзонлаштирилган қийматда, яъни 4 миллиард 275 миллион сўм ҳисобида банк балансига олиш тўғрисида таклиф хати киритган. Натижада гаровдаги мулклар банк балансига ўтказилиб, ижро иши юритиш тамомланган. Бироқ...

“Микрокредитбанк”нинг Хоразм вилояти филиали бошқарувчиси ижро иши тамомланганидан 3 ой ўтгач, яъни 2025 йил 17 октябрда кредит қарздорлигига ҳисобланган фоиз миқдори 1 миллиард 332 миллион сўмни ташкил қилишини билдирган ҳолда, “Garant Sement” хусусий корхонасига расмий хати юборади.

Хўш, банк филиалининг бундай йўл тутиши қонунийми?

Бунга жавобан шуни айтиш керакки, Фуқаролик кодексининг 744-моддасида кредит бўйича қарздорликни ундириш тўғрисида суднинг ҳал қилув қарори чиқарилганда суд қарорида кўрсатилган кредит бўйича ундириладиган суммага нисбатан ушбу кодекснинг 327-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида ҳамда 734-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган фоизлар, шунингдек, неустойка ҳисобланиши тўхтатилиши белгиланган.

Ана шу ҳуқуқий асосга таянган тадбиркор 2025 йил 31 октябрда юқоридаги хатда қайд этилган кредит фоизини ҳисобдан чиқариш юзасидан банк филиалига талабнома юборади. Аммо бу талабнома оқибатсиз қолдирилган.

Шу боис, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси “Garant Sement” хусусий корхонаси манфаатини кўзлаб, Урганч туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси билан мурожаат қилди ва “Микрокредитбанк” зиммасига 1 миллиард 332 миллион сўм миқдоридаги асоссиз ҳисобланган кредит фоизини ҳисобдан чиқариш мажбуриятини юклашни ва адвокатга тўланган 3 миллион сўмни ундириб беришни сўраган.

Албатта, суд ишни холисона ва адолатли кўриш ҳамда банк фойдасига ҳисобланган фоизларнинг ҳаққонийлигини таҳлил қилиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Хоразм вилояти бош бошқармасидан мутахассис жалб этди. Бош бошқарма мутахассиси томонидан тузилган далолатномада эса, банк томонидан 1 миллиард 332 миллион сўм маблағ ортиқча ҳисобланганлиги қайд этилди.

Бинобарин, суд даъвони тўлиқ қаноатлантириб, “Микрокредитбанк” зиммасига асоссиз ҳисобланган 1 миллиард 332 миллион сўм кредит фоизини ҳисобдан чиқариш мажбуриятини юклатиш ҳамда адвокат хизмати учун тўланган 3 миллион сўм маблағни ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилди.

Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, тадбиркорлик фаолияти ривожига қаратилаётган юксак эътибор Президентимизнинг соҳа вакиллари билан анъанавий учрашувларида тобора яққол намоён бўлмоқда. Бугунги кун талабидан келиб чиқиб, тадбиркорлар учун янада кенг имконият ва имтиёзлар яратиб берилмоқда.

Хусусан, 2027 йил 1 январдан бошлаб Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил томонидан юритиладиган «Ягона давлат назорати» ахборот тизимида тадбиркорлик субъектларига нисбатан қўлланган молиявий жарималарнинг электрон реестри жорий этилади.

Бунда ваколатли органларнинг молиявий жарималарни қўллаш тўғрисидаги қарорлари улар қабул қилинганидан сўнг уч иш кунида мажбурий тартибда ушбу электрон реестрга электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда, мазкур жараён тўлиқ рақамлаштирилган ҳолларда эса, бундай қарорлар ўзаро интеграциялашган ахборот тизимлари орқали автоматик равишда киритилади.

Электрон реестрга киритилмаган ва электрон рақамли имзо билан тасдиқланмаган қарорлар ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади ва улар асосида молиявий жарима ундирилмайди. Электрон реестрда тадбиркорлик субъекти томонидан содир этилган қилмишнинг такрорийлигига оид маълумотлар базаси юритилади ва хавфни бошқариш тизими ёрдамида таҳлил қилиб борилади.

Яна бир янгилик: 2027 йил 1 апрелга қадар Солиқ қўмитаси Олий суд ва Бош прокуратура билан биргаликда солиқ тўловчи — тадбиркорлик субъектининг шахсий кабинети орқали ваколатли органларнинг молиявий жаримани қўллаш тўғрисидаги қарорлари устидан судга онлайн шикоят бериш имконияти яратилади.

Бу билан иш юритувга қабул қилинган шикоятлар бўйича қарорларнинг ижросини тўхтатиб туриш ҳақида суд томонидан манфаатдор вазирлик ва идоралар автоматик равишда хабардор қилиниб, тадбиркорлик субъектлари фаолиятида турли хил солиққа оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олди олинади.

Қолаверса, бизнесни ривожлантиришдаги бюрократик тўсиқлар бартараф этилади, тадбиркорларни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмлари янада кучайтирилади. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, мамлакатимизда инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилашга хизмат қилади.

Нилуфар АЛЛАБЕРГАНОВА,
Урганч туманлараро иқтисодий суди судьяси



Чунки тезкор-қидирув тадбирлари айрим ҳолларда шахснинг шахсий ҳаёти, алоқа сирлари, турар жой дахлсизлиги ёки бошқа конституциявий ҳуқуқларига таъсир кўрсатиши мумкин.

Бундай ҳолларда санкцияни суд томонидан бериш амалиёти ҳуқуқларни чеклашда мустақил назорат мавжуд бўлишини таъминлайди.

Бу ўринда асосий ғоя шундай: инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари чекланадиган ҳар қандай ҳолатда қонунга асосланган, мустақил ва холис назорат бўлиши шарт. Тергов ёки тезкор-қидирув мақсади қанчалик муҳим бўлмасин, у инсон ҳуқуқларини асоссиз чеклашга сабаб бўлмаслиги керак.

Фармонда ушбу вазифаларни амалга ошириш учун тегишли қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш белгиланган. Жумладан, Олий суд Бош прокуратура ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда тергов судьяларига юқоридаги ваколатларни бериш бўйича ўзгартиш ва қўшимчалар юзасидан қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиши лозим.

Шунингдек, Президент ҳузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти Олий суд, Бош прокуратура, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда тезкор-қидирув фаолиятида конституциявий ҳуқуқларни чекловчи тадбирларга суд санкциясини жорий этиш бўйича қонунчиликка ўзгартиш киритиш вазифасини бажаради.

Фармонда судга қадар босқичда суд назоратини кучайтириш билан бир қаторда, янги таҳрирдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс лойиҳасини ишлаб чиқиш доирасида илғор хорижий тажриба асосида айрим маъмурий ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш ваколатларини маъмурий органларга ўтказиш масаласи ҳам белгиланган.

Албатта, маъмурий органларга ўтказиладиган ваколатлар инсон ҳуқуқларини кафолатловчи процессуал механизмлар билан бирга ишлаб чиқилиши лозим.

Янги ваколат бериш билан бирга, бу ваколатларни амалга оширадиган судьяларнинг иш юкламасини ҳам ҳисобга олиш зарур. Фармонда Олий суд ва Судьялар олий кенгашига 2027 йил 1 июнга қадар тергов судьяларининг амалдаги иш юкламаси ва янги берилаётган ваколатлардан келиб чиқиб, уларнинг штат бирликларини қайта кўриб чиқиш бўйича асослантирилган таклифлар киритиш вазифаси юклатилган.

Бу ўта муҳим амалий масала. Агар тергов судьясига катта ваколат берилса-ю, унинг иш юкламаси ҳаддан ташқари оғир бўлса, суд назоратининг сифати пасайиши мумкин. Шу сабабли, ислоҳот фақат ваколатни кенгайтириш билан эмас, балки уни амалга ошириш учун ташкилий имкониятларни яратиш билан ҳам боғлиқ.

Судга қадар иш юритиш босқичида суд назорати кучайса, ҳимоя ҳуқуқи ҳам мустаҳкамланади. Чунки ҳимоячи шахсни ушлаб туриш, гумон ёки айблов асослари, процессуал мажбурлов чоралари бўйича судда ўз важларини илгари суриш имкониятига эга бўлади.

Натижада айблов ва ҳимоя ўртасидаги мувозанат тенглашади. Тергов органи ўз илтимосномасини асослайди, ҳимоя томони унга муносабат билдиради, судья эса, қонун ва далиллар асосида қарор қабул қилади.

Бундай тизимда процессуал қарорлар фақат бир томоннинг қарашига таянмасдан, суд назорати остида шаклланади. Бу, ўз навбатида, жиноят процессида тарафлар тенглиги ва тортишув принципининг амалий аҳамиятини оширади.

Шу ўринда асосли бир фикр: айримлар суд назоратининг кучайиши тергов жараёнини қийинлаштиради, деб ўйлашлари мумкин.

Аслида эса, қонуний ва асосли тергов учун суд назорати тўсиқ эмас, балки унинг сифатини оширадиган омил. Чунки процессуал қарорлар суд назоратидан ўтса, тергов органлари ҳам илтимосномаларни пухтароқ тайёрлайди, далилларни аниқроқ асослайди, инсон ҳуқуқларига дахл қилувчи чораларни қўллашда эҳтиёткор бўлади.

Бунинг натижасида кейинчалик судда далиллар ва процессуал ҳаракатлар бўйича баҳслар камайиши мумкин. Шу маънода, суд назорати терговни заифлаштирмайди, аксинча, уни қонуний, асосли ва ишончли қилади.

Президентимиз Фармонида белгиланган судга қадар босқичда суд назоратини кучайтириш чораларининг асосий мазмунини қуйидагича ифодалаш мумкин, деган фикрдамиз:

биринчидан, шахсни ушлаб туришнинг қонунийлиги ва асослилиги судья томонидан текширилади;

иккинчидан, гумон қилиш ёки айблов эълон қилиш учун асослар етарлилигига эътибор қаратилади;

учинчидан, шубҳа туғилса, тергов сирини сақлаган ҳолда, қўшимча ҳужжатлар талаб қилиниши мумкин;

тўртинчидан, конституциявий ҳуқуқларни чекловчи тезкор-қидирув тадбирларига суд санкцияси жорий этилиши назарда тутилади;

бешинчидан, тергов судьяларининг иш юкламаси ва штат бирликлари янги ваколатларга мос равишда қайта кўриб чиқилади.

Дилшод РАЖАБОВ,
Самарқанд вилояти суди раиси

◀ (Бошланиши 1-бетда)

— Мактабда тағин шу китобни ўқиётганимни айтиб ўтирма. Қодирийни халқ душмани қилиб юборишган.

Ваъда бердим. Аммо овоз чиқариб ўқишларини илтимос қилдим. Тўрт кечами, беш кечами оз-озгинадан ўқидилар. Бутун оила бўлиб эшитдик. Давоми йўқ эди.

Шунда дадам кимларда борлигини айтдилар. Бир танишимизникига опам, иккинчисиникига мен бордим. Исм-шарифини айтмайман, мен борган одам, дадамнинг яқин ўртоқларидан бири, мактабимиз ўқитувчиси эди.

Илтимосимни эшитиб, у киши узоқ бошини эгиб ўтирди.

— Вақти келиб бу китобни ўқийсан, — деди ахийри. — Лекин ҳозир ҳеч кимдан суриштирма. Менда ҳам йўқ.

Унда борлигини фаҳмладим, лекин жавоби менга кифоя эди. Опам ҳам китобни тополмадилар.

Орадан икки-уч ой ўтгач, ойимнинг ўзлари қаердандир шу китобни топиб келдилар. Бошидан-охиригача ўқиб бердилар. Китобни ўқиётгандаги ҳаяжондан дам титраган, дам йиғи аралашган овозлари ҳамон қулоғим остида.

«Ўтган кунлар» — улуғ китоб. Фақат ўзбек адабиётининг эмас, бутун мусулмон халқлари маданиятининг фахри.

Абдулла Авлонийнинг: «Миллат бари арбобкашу ҳаммолдир, афти-ангори қаро, кийгани жулдур-жулдур» сатрларини ўша йиллари дадамдан эшитганман.

Ойим, дадам, амаким мени энди катта, эсли йигит бўлиб қолди, деб ҳисоблашар ва олдимда жиддий мавзуларда бемалол гаплашишарди. Айниқса, қулоқлик азобини чеккан Ҳакимбек амаким кўп масалалар бўйича хуноби чиқиб гапирарди. Ойим бу гапларга деярлик аралашмасдилар.

Бувим, холамга қараганда ойим табиатан сипо, камгап, сал нарсага кайфиятларини бузавермайдиган одам эдилар. Қўни-қўшничиликда нималар бўлмайди, орадан қандай гаплар ўтмайди. Лекин шуларни ҳам ойим кўпинча тинчитардилар, бўлажак жанжалларнинг олдини олардилар.

Жўра мелиса билан дадам гаплашиб қўй, деган бўлсалар ҳам гаплашмаганлар. Гўё ҳеч нарса бўлмагандек орқаларига солиб кетганлар. Бир куни шу воқеа эсимга тушиб қолиб сўраганимда:

— Э, Ўлмас, болам, икки юз сўм деб дадангни беобрў қиламанми? Мани у билан учрашишим — дадангни хафа

Қизимга мактублар

қилиш билан баробар. Мана, Раҳимбек оқсоқолнинг хотини келиб кечирим сўраб кетди, деб юрарди кейин. Оч қорним — тинч қулоғим. Икки юз сўмни йўқотиб, оч қолиб кетганимиз йўқ, Худога шукр, — деб жавоб қилган эдилар.

Ойимларнинг сокин, хотиржам феълларидан дадамнинг касал бўлсалар ҳам асабларини баттар бузадиган қийинчиликлардан асради. Умрларини, оз бўлса-да, чўзди. Мен шундай ҳисоблайман. Чунки ойим баъзи аёлларга ўхшаб, дадамларга ҳеч нарсадан шикоят қилмасдилар. Бор нарсаларни ишлатиб, овқат қилардилар, бор нарсалардан йўлини, бичигини топиб, ҳаммамизнинг кийимимизни бутун қилиб юрардилар. Дадамнинг иккита эски, улар энди киёлмайдиган пальтоларидан менга пальто қилиб берганлар. Қора кундуз ёқали кўк мовутдан тикилган пальтони мен университетда ҳам кийганман. Учинчи курсга ўтгандан кейин эса, пахтага кийиб борадиган бўлганман.

Яна бир гап, сабр-тоқатда ҳам ойим филдек одам эдилар. Айниқса, ҳозир, орадан шунча йил ўтиб кетганидан кейин у кишининг шу одатлари кўз олдимда яққол намоён бўлаяпти ва ичимда уларга таҳсинлар ўқияпман...

Эски ҳовлимизда дадам билан ойимларнинг ҳаётликларида жуда кўп қувончли воқеалар ўтган. Шулардан иккитаси хотирамда яхши сақланиб қолган. Биттаси — Акмалнинг суннат тўйи. Иккинчиси — менинг мактабни тугатишим.

Акмалнинг тўйида кечки базм-ўтиришлардан ташқари, кўз олдимдан кетмайдиган манзара — эрталабки ош бўлган. Ош иккита катта қозонда дамланган. «Кўп тўйларга борганман, қарзим кўп, мени танийдиганлар кўп», деб дадам эрталабки ошни жуда катта қилдирганлар. Одам кўп келган. Ҳовлимизнинг катталигини сенга айтиб берган эдим, одамлар шу ҳовлига сиғмаган. Ғофуржон аканикига ҳам жой солинган.

Мен ўшанда дадамни бахтли бир қиёфада кўрганман. Шу қиёфалари — қип-қизил юзлари, нур ёғилиб турган кўзлари, девдек гавдалари, кулганларида катталашиб, икки томонида чизиклар пайдо бўладиган қирғий бурунлари ҳамон кўз олдимда. Шундай бахтли қиёфада уларни олтин медаль билан мактабни битирганимда кўрганман.

Дадам мен ўйламаган, кутмаган совға қилганлар ўшанда. Бутун синфдаги болалар, қизларни меҳмонга чақириб, ажойиб зиёфат қилиб берганлар. Ўша куни қариндош-уруғларимиз, ўқитувчиларимиз нокнинг тагида ўтиришган. Биз болаларга эса, ўрикнинг тагига катта жой қилинди. Овқатлар, майли, гапириб ўтирмайман. Аммо улар ҳам яхши бўлган эди. Кўпроқ эсимда қолгани, ҳаяжонга солгани — дадам ўшанда ҳаммамизга шампан виноси қуйиб берганлар. Уялишмасин, деб ўзлари биринчи бўлиб, бизни табриклаганлар.

Кейин биз ўзимиз узоқ ўтирганмиз. Ашулалар айтганмиз, ўйнаганмиз. Ҳали-ҳали шу ўтиришни баъзи ўртоқларим, қариндошларимиз эсга солишади. Ойимлар ўшанда ажойиб нон, патирлар, сомсалар ёпганлар. Ажойиб, олтиндек ялт-ялт киладиган ошлар қилиб берганлар. Ўшанда мендан бахтли одам, назаримда, дунёда йўқ эди. Шундай дадам, шундай ойим борлигидан севинчим ичимга сиғмасди!

Юқорида холам билан ойимнинг яхши дутор чалишлари, ашула айтишларини айтиб кетган эдим. Дадамларнинг санъат аҳли билан яқин эканликларини ҳам, чамамда, ёздим. Аммо у кишига алоқадор бир нарсани ҳали айтганим йўқ. Эски ҳовлимиздаги шодиёна кунларни эслаганда, кайфиятим ҳозиргидек кўтарилиб турганда, дадамнинг яхши ўйинга тушишларини ҳам айтиб ўтмоқчиман. Қизим, буванг гавдали, тўладан келган, елкадор, қўллари узун одам эдилар. Аммо ўйинга тушганларида гавдали эканликлари билинмай кетарди. Мусиқанинг ҳар бир оҳанги у кишининг эътиборидан четда қолмасди. Алоҳида қайд қилиб ўтмоқчиман, у киши ҳақиқий эркакча ўйнардилар. Беҳуда, узлуксиз қош қоқиш, кўз қисиш, бел, елкаларнинг ортиқча ҳаракатлари у кишида бўлмасди. Савлат билан, жуда енгил табассум билан мусиқа оҳангига берилиб, оёқлари билан ерни енгил уриб ўйнардиларки, ҳамма маҳлиё бўлиб қоларди. Мен дадамнинг ўйин тушишларини яхши кўрардим. Тўй, базмларга чақирилган махсус ўйинчилар у киши ўртага тушганда четга чиқишарди. Ёнма-ён улардек эркакларга хос ҳаракатлар билан ўйнашолмасди.

(Давоми келгуси сонда)

Бу ҳаётда инсон умридан кўра азиз ва қимматли неъмат бўлмаса керак. Аммо баъзан арзимасдек кўринган гап-сўз, йўл талашиш, бир-бирига ён беришни истамаслик ёки жамоат жойидаги оддий одоб-аҳлоқ қоидаларига риоя этмаслик, оғир фожиага сабаб бўлади. Бир лаҳзалик ғазаб, ўйланмай айтилган ҳақорат, сабрсизлик ва қўлга совуқ қурол олиш — буларнинг барчаси инсон тақдирини бутунлай ўзгартириб юбориши мумкин.

ЙЎЛ ТАЛАШИШ ФОЖИАСИ

ёки ўзаро ҳурматсизликнинг аччиқ оқибати



Наманган шаҳрида содир бўлган воқеа мисолида ҳам ана шу аччиқ ҳақиқатлар яна бир бор ўз тасдиғини топди. Йўлдаги оддий келишмовчилик, икки ҳайдовчининг бир-бирига йўл бермаслиги ва кейинги оғзаки тортишув охир-оқибат — инсон ўлими билан якунланди. Бир оила яқинидан айрилди, бошқа бир оила эса, судланган ота, турмуш ўртоқ ва фарзандлар тақдири билан юзма-юз қолди…

Суд ҳужжатларига кўра, Ҳасан Саримсоқов (исм-шарифлар ўзгартирилди) шу йил 22 март куни “Deepal SL03” русумли автомашинасида Наманган шаҳридаги бир томонлама йўналишли кўчада қарама-қарши ҳаракатланаётганида, “Дамас” автомашинасини бошқариб келаётган Алишер Турдиқулов билан йўл талашиб қолади. Оқибатда оғзаки тортишувдан сўнг вазият кескин тус олади.

А.Турдиқулов судланувчи Ҳ.Саримсоқовнинг чап юзига бир неча марта уради. Бундан Ҳ.Саримсоқовнинг ғазаби қўзийди ва у чўнтагидаги канцелярия пичоғини олиб, А.Турдиқуловнинг кўкрак қафаси чап томонига бир марта санчади. Ана шу зарба бир инсон ҳаётига нуқта қўйди.

Жароҳат ҳаёт учун муҳим аъзо соҳасига етказилгани сабабли А.Турдиқулов оғир аҳволда шифохонага олиб борилади. Аммо у Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиалининг жонлантириш бўлимида вафот этади.

Фожиа шуни кўрсатадики, кўчада, йўлда ёки жамоат жойида юзага келган ҳар қандай низода энг муҳими, сабр, вазминлик ва ўзини тута билишдир. Агар ўша куни икки томондан бири бир қадам ортга чекинганида, эҳтимол, бу фожиа юз бермасмиди?

Судланувчи судда қилмишидан пушаймонлиги, марҳумни ўлдириш нияти бўлмагани, уни шунчаки қўрқитмоқчи эканини билдирди. Аммо ҳуқуқий нуқтаи назардан ҳаёт учун муҳим аъзо — кўкрак қисмига пичоқ билан зарба бериш ўта хавфли ҳаракат ҳисобланади.

Суд-тиббий экспертиза хулосасига кўра, жароҳат оғирлик даражасига кўра, ўлимга сабаб бўлувчи оғир тан жароҳати ҳисобланган.

Шу боис бундай воқеаларда “мен ўлдирмоқчи эмасдим” деган важ ҳуқуқий оқибатни енгиллаштирмайди. Чунки инсон ҳаёти учун хавфли жойга ўткир тиғли буюм билан зарба беришнинг оқибати қандай бўлиши мумкинлигини ҳар бир ақли расо инсон англаши аниқ.

Судда гувоҳ сифатида сўралган шахсларнинг кўрсатмалари воқеа қандай кечганини тўлиқ ойдинлаштирди. Гувоҳлардан бири Ҳ.Саримсоқов билан хўжалик моллари дўконига борганини ва қоғоз кесиш учун мўлжалланган ўткир тиғли пичоқ сотиб олинганини билдирган.

Шундан сўнг йўлда “Дамас” ҳайдовчиси билан тортишув содир бўлган. Ҳ.Саримсоқов йўлда давом этмоқчи бўлган, аммо марҳум уларни тўхтатиб, автомашина олдига келган ва жанжал давом этган. Жанжалдан сўнг гувоҳ ерда қон доғларини кўрган, Ҳ.Саримсоқов эса қўлидаги қоғоз кесишга мўлжалланган пичоқни кўрсатиб, уни А.Турдиқуловга санчиб олганини айтган.

Бу кўрсатмалардан маълум бўладики, йўлдаги тортишув, юзма-юз жанжал, қўл кўтариш ва пичоқ ишлатиш — ҳаммаси қисқа вақт ичида содир бўлган. Аммо шу қисқа вақт бир инсоннинг ҳаётдан бевақт кўз юмишига, иккинчисини эса, узоқ йилларга озодликдан маҳрум қилишга етарли бўлган.

Дастлаб Ҳ.Саримсоқовга нисбатан Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми “л” банди билан айб қўйилган. Бу банд, одатда, безорилик оқибатида қасддан одам ўлдириш ҳолатларига нисбатан қўлланилади.

Бироқ суд иш ҳолатларини синчковлик билан ўрганиб, низо қандай бошлангани, ким жанжални давом эттиргани, воқеада безорилик аломатлари бор-йўқлигини таҳлил қилди. Суд хулосасига кўра, жанжал ўзаро йўл талашиш ва кейинги шахсий низо оқибатида юзага келган.

Шу сабабли суд Ҳ.Саримсоқовнинг ҳаракатини Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми “л” бандидан Жиноят кодексининг 97-моддаси 1-қисмига қайта малакалади. Яъни суд уни безорилик оқибатида одам ўлдиришда эмас, балки қасддан одам ўлдиришда айбдор деб топди.

Бу ерда суднинг ёндашуви муҳим: айблов ҳукми тахминларга эмас, ишончли далилларга асосланиши керак. Жиноят ишида ҳар бир ҳолат — судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам уни оқлайдиган, жавобгарлигини енгиллаштирадиган ёки оғирлаштирадиган омиллар ҳар томонлама текширилиши лозим.

Жазо тайинлашда суд иш ҳолатлари, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси, судланувчининг шахси, воқеанинг келиб чиқиш сабаблари, жабрланувчининг қонуний вакили даъво қилмагани ва бошқа ҳолатларни инобатга олди. Натижада Ҳ.Саримсоқовга суд ҳукми билан 8 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Инсон ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзини тута билиши керак. Йўл — муштлашиш майдони эмас. Кўча — ҳақорат қилиш жойи эмас. Жамоат жойи — бировга ўзини кўрсатиш, кучини намойиш қилиш ёки ғазабини кўрсатиш майдони эмас.

Гувоҳи бўлганингиздек, жамоат жойида бир-бирини ҳурмат қилмаслик охир-оқибат кескин муносабатларга олиб келади. Айниқса, йўл ҳаракатида бу ҳолат янада хавфли. Чунки ҳайдовчи асабийлашса, нафақат ўзи, балки йўловчи, пиёда ва бошқа ҳаракат иштирокчилари ҳаётини ҳам хавф остига қўяди.

Йўлдаги маданият — фақат қоидага амал қилиш эмас. У инсоннинг ички тарбияси, бошқаларга муносабати ва жамоат хавфсизлигига масъулият билан қараши ҳамдир.

Ота-оналар фарзандларига ёшлигидан жамоат жойида ўзини қандай тутишни, бировни ҳақорат қилмасликни, муаммони муомала билан ҳал қилишни ўргатишлари зарур. Мактаб, маҳалла, оила ва оммавий ахборот воситалари ҳам бу масалада доимий тарғибот ишларини олиб боришлари керак, назаримизда.

Чунки одамлар бир-бирини ҳурмат қилмаган жойда низо кўпаяди. Низо кўпайган жойда зўравонлик хавфи ортади. Зўравонлик эса, кўпинча ўзидан оғир оқибатлар қолдиради.

Иброҳимжон ЖАББОРОВ,
жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар суди раиси
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
«Куч — адолатда» мухбири

Савол беринг, жавоб берамиз

— Айтинг-чи, муайян ишни биринчи инстанция судида кўришда иштирок этган судья шу ишни апелляция ёки кассация ёхуд тафтиш инстанцияси судида кўришда ҳам иштирок этиши мумкинми? Илтимос, шу ҳақда батафсил маълумот берсангиз.

Н. ЗОХИДОВ,
Кармана тумани

— Сизнинг ушбу саволингизга Иқтисодий процессуал кодексидан жавоб топиш мумкин. Ушбу кодекснинг 19-моддасида ишни кўришда судьянинг такрор иштирок этишига йўл қўйилмаслиги ҳақида баён этилган.

Яъни ишни биринчи инстанция судида кўришда иштирок этган судья, агар суднинг ҳал қилув қарори апелляция ёки кассация ёхуд тафтиш инстанцияси суди томонидан бекор қилинган бўлса, шу ишни биринчи инстанция судида янгидан кўришда иштирок эта олмайди, бундан янги очилган ҳолатлар бўйича ишларни кўриш ҳоллари мустасно.

Ишни биринчи инстанция судида кўришда иштирок этган судья шу ишни апелляция ёки кассация ёхуд тафтиш инстанцияси судида кўришда иштирок эта олмайди.

Ишни апелляция инстанцияси судида кўришда иштирок этган судья шу ишни биринчи инстанция ёки кассация ёхуд тафтиш инстанцияси судида кўришда иштирок эта олмайди.

Ишни кассация инстанцияси судида кўришда иштирок этган судья шу ишни биринчи инстанция ёки апелляция ёхуд тафтиш инстанцияси судида кўришда иштирок эта олмайди.

Ишни тафтиш инстанцияси судида кўришда иштирок этган судья шу ишни биринчи инстанция, апелляция ёки кассация инстанцияси судида кўришда, шунингдек, ишни юқори инстанция судида тафтиш тартибида қайта кўришда иштирок эта олмайди.

Бундан ташқари ушбу кодекснинг 20-моддасида судьяни рад қилиш ҳақида ҳам баён этилган.

Судья қуйидаги ҳолларда ишни кўришда иштирок этиши мумкин эмас ва рад қилиниши лозим, агар у:

1) мазкур иш илгари кўрилганда судья сифатида иштирок этган бўлса ва ишни кўришда унинг такрорий иштирок этишига ушбу кодекс талабларига мувофиқ йўл қўйилмаса;

2) мазкур иш илгари кўрилганда унда ҳакамлик суди судьяси, арбитр, прокурор, эксперт, мутахассис, таржимон, суд мажлиси котиби, вакил ёки гувоҳ сифатида иштирок этган бўлса;

3) ишда иштирок этувчи шахсларнинг ёки улар вакилларининг қариндоши бўлса;

4) ишнинг натижасидан шахсан, бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлса ёхуд унинг холислигига шубҳа туғдирувчи бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса;

5) ишни кўраётган ҳайъат таркибидаги судьянинг қариндоши бўлса.

— Айтинг-чи, қонунчиликда қанча муддат ичида тафтиш тартибида шикоят (протест) бериш белгиланган?

Ж. ВАҲОБОВ,
Чироқчи тумани

— Агар сиз иқтисодий судларнинг ҳал қилув қарори, ажрими, қарори устидан тафтиш тартибида шикоят (протест) бермоқчи бўлсангиз, саволингизга амалдаги Иқтисодий процессуал кодексининг 310-моддасидан аниқ жавоб топишингиз мумкин.

Жумладан, қонунда белгиланганига кўра, тафтиш тартибидаги шикоят (протест) биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори, ажрими, қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан бир йил ичида берилади.

Қорақалпоғистон Республикаси судига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларига тафтиш тартибидаги шикоят (протест) бериш муддати кассация инстанцияси суди томонидан қарор қабул қилингунига қадар ўтган бўлса, тафтиш тартибдаги шикоят (протест) кассация инстанцияси суди қарор қабул қилган кундан эътиборан уч ой ичида берилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят (протест) бериш муддати Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари томонидан ишни тафтиш тартибида кўриш натижалари бўйича қарор қабул қилингунига қадар ўтган бўлса, тафтиш тартибидаги шикоят (протест) ушбу судлар томонидан ишни кўриш натижалари бўйича қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч ой ичида берилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раёсатига Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг, Бош прокурорининг протести ушбу кодекснинг 307-моддаси биринчи қисми иккинчи ва учинчи хатбошиларида кўрсатилган шахсларнинг мурожаати келиб тушган кундан эътиборан — уч ой ичида, лекин Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан ишни тафтиш тартибида кўриш натижалари бўйича қарор қабул қилинган кундан эътиборан олти ойдан ортиқ бўлмаган муддатда киритилиши мумкин.

Тафтиш тартибидаги шикоят (протест) беришнинг ўтказиб юборилган муддати тафтиш тартибида шикоят (протест) берган шахснинг илтимосномаси бўйича суд томонидан, агар илтимоснома шикоятни (протестни) бериш муддати ўтган кундан эътиборан уч ойдан кечиктирмай берилган ва тафтиш тартибида шикоятни (протестни) бериш муддати ўтказиб юборилишининг сабаблари суд томонидан узрли деб топилган бўлса, тикланиши мумкин.

Ушбу модданинг бешинчи қисмида кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган тафтиш тартибидаги шикоят (протест) кўриб чиқилмайди.

Саволларга Тошкент туманлараро иқтисодий суди судьяси Шоирахон ЭРМЕТОВА жавоб берди.

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Робахон МАХМУДОВА
Алишер УСМАНОВ
Акрам ШУКУРОВ
Шухрат ПОЛВАНОВ
Маликахон ҚАЛАНДАРОВА
Холмўмин ЁДГОРОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Абдуҳалим ХОЛМАХМАТОВ
Замира ЭСАНОВА
Бобомурод РАЙИМОВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзилимиз: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 6-уй, Тел.: 71 273-72-29 E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.
Буюртма: Г-815 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ.
Сотувда эркин нархда. Адади: 2920
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 21^{00}. Топширилди: 22^{00}.